



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТАР ДАВЛАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 июнь куни Қатар Давлати Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад бин Абдурахмон Ол Соний бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Кўп қиррали Ўзбекистон — Қатар муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорлик суръати кейинги йилларда жадаллашиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Хусусан, юқори даражадаги ташрифлар ва сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилди, товар айирбошлаш кўрсаткичлари усмоқда. Ишбилармонлик ва туризм соҳаларидаги алмашинув-

ларни рағбатлантириш мақсадида Қатар фуқаролари Ўзбекистонда бўлиши учун виза тартиби соддалаштирилди.

Ўзбекистон Президенти Қатар Амири шайх Тамим Ол Сонийни расмий ташриф билан мамлакатимизга келишига яна бир бор таклиф этди.

Қатар делегацияси раҳбари, ўз навбатида, илиқ қабул учун Ўзбекистон етакчисига самимий миннатдорлик билдириб, Қатар Амирининг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Сўхбатда давлатимиз раҳбари биринчи навбатда савдо, инвестициявий, инновациявий, молиявий-техник соҳаларда, шунингдек, куни кеча имзоланган Ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга мувофиқ — транспорт соҳасида амалий шерикликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш муҳим эканини таъкидлади.

Қўшма инвестиция жамғармасини ташкил этиш, Қатарнинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтларини жалб қилган ҳолда саноат

тармоқларида замонавий ишлаб чиқаришларни ишга тушириш, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чўқур қайта ишлаш, инфратузилмани модернизация қилиш бўйича истиқболли лойиҳаларни тез фурсатда тайёрлаш ва илгари сурриш муҳимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, таълим, фан, маданият ва зиёрат туризми соҳаларида алмашинув дастурларини амалга оширишдан икки мамлакат ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Халқаро сиёсатга доир ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Қатар ташқи сиёсий идораси раҳбари Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга ва ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланишига кўмаклашиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

ЎЗА

## ЭЗГУЛИК, ОДАМИЙЛИК, ГУМАНИЗМ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪРИФИЙ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИЛМОҚДА



Оқил САЛИМОВ,  
академик

Мансур БЕКМУРОДОВ,  
социология фанлари  
доктори, профессор



Дунёда ва мамлакатимизда аҳолининг турли табақа вакиллари биз қандай жамиятда яшаймиз, дунёвий давлатдами ёки диний жамият сари интиляпмизми, деган саволни тез-тез муҳокама қилиб туради.

## БОШ ҚАДРИЯТИМИЗ МЕҲР, ТИНЧЛИК ВА ЯХШИЛИКДИР

Сўнги йилларда таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, айниқса, муқаддас ислом дини қадриятларига эътибор ошаётганлиги бу саволнинг долзарблигини кучайтирмоқда. Шу боис ҳам мазкур мақолада янги Ўзбекистонда барпо этилаётган моҳиятан янги давлат ва жамият мазмуни хусусида фикр юритмоқчимиз.

Янги Ўзбекистонда инсон омиллини муқаддас қадрият сифатида юксалтириш, одамларни билимли, бахтли, эркин ва фаровон қилувчи маърифий жамиятни қуриш механизми Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилди. Унга кўра, бу механизм инсоннинг маънавий-маърифий қомиллиги,

яъни ўзини ўзи узлуксиз ривожлантириб бориши, жамиятда ҳамжиҳатликда яшай олиши, бошқаларни ўзи билан тенг кўриши, куч маданиятини эмас, балки меҳр, тинчлик ва яхшилик маданиятини бош қадрият сифатида англаши негизда амал қилади.

▶ Давоми 3-бетда

## АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ

## ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Жорий йилда бандлик дастури доирасида 457 мингта доимий иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, бунинг асосий манбалари қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, савдо ва сервис соҳаларидир. Хусусан, магистрал йўллар бўйида савдо ва хизматларни йўлга қўйиш, шаҳар ва туман марказларида махсус кўчалар ташкил этиш орқали 150 мингта иш ўрни яратиш мумкин. Сурхондарёда бошланган тажриба асосида ишсиз аҳолига қишлоқ хўжалиги ерларини 10 йил муддатга деҳқончилик билан шуғулланиш учун ижарага бериш тартиби жорий қилиниши эса миллионлаб юртдошларимизнинг дилидаги гап бўлди.

▶ Давоми 2-бетда

## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

## Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш учун мислсиз имкониятлар эшиги очилмоқда

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи арафасида ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Абдуҷаббор Раҳмонзода “Дунё” ахборот агентлигига эксклюзив интервью берар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг замонавий тараққиёти тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

— Элчи жаноблари, Сиз Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга ташрифи арафасида ўз миссиянгизни бажаришга киришдингиз. Икки томонлама муносабатларимиз учун муҳим воқеа бўладиган мазкур ташрифдан Тожикистон томони нималарни қутаётгани хусусидаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз...

— Энг аввало, Тожикистоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси сифатида фаолият кўрсатиш мен учун катта шараф эканини айтишни истар эдим. Мамлакатингиз билан муносабатлар биз учун, шубҳасиз, устувор аҳамиятга эга.

▶ Давоми 2-бетда



## ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

## “UZBEKISTAN GTL” — ЖАҲОН ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИ ГИГАНТИ

Қашқадарё вилоятида қад ростиётган гигант завод — “Uzbekistan GTL” сингари юқори технологик саноат мажмуаси дунёда бармоқ билан санарли. Мана шундай корхонанинг Ўзбекистонда барпо этилиши ватандошларимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдиради.

Табийи газни чўқур қайта ишлаш имкониятларини кенгайтирадиган, углеводородлар импортини кескин камайтирадиган ушбу мажмуанинг қурилиши ҳал қилувчи босқичга кирган.

Бу ерда энг замонавий маркадаги авиакеросин, дизель ёнилғиси, нафта ва суьултирилган газ ишлаб чиқарилади.

▶ Давоми 4-бетда



## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

## Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш учун мислсиз имкониятлар эшиги очилмоқда

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, менинг бу масъулиятли лавозимга тайинлашим Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларнинг Тожикистонга расмий ташрифи арафасига тўғри келди.

Менинг биринчи галдаги вазифам, табиийки, икки томонлама муносабатларимиз учун муҳим аҳамият касб этадиган ушбу ташрифнинг олий даражада ўтказилиши билан боғлиқдир. Биласизки, ушбу ташриф арафасида қатор йирик тадбирлар, жумладан, Тошкентда икки мамлакат Бош вазирлари раислигида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Яна бир тадбир — 9 июнь куни мамлакатларимиз ишбилармон доиралари иштирокида биринчи Тожикистон — Ўзбекистон Минтақаларо сармоявий форумининг ўтказилиши бўлди. Бундай анжуманларнинг ташкил этилиши нафақат ўзаро мулоқотни мустаҳкамлаш, балки савдо-иқтисодий ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитиш имконини ҳам беради.

Ушбу форум доирасида Бохтарда 730 миллион АҚШ доллари миқдордаги битимлар имзоланди, 50 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги устав капитали билан қўшма инвестиция жамғармаси тузиш тўғрисида келишувга эришилди. Мазкур жамғарма иқтисодийнинг турли жабҳаларида истиқболли қўшма лойиҳалар амалга оширилишига кўмаклашади.

Шу билан бирга, “Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг янги ўсиш нуқталари” мавзусида конференция бўлиб ўтди. Унда икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, муносабатларни янада кенгайтириш йўллари муҳокама этилди.

Биз ушбу ташрифни ўзаро ҳамкорлигимизга туртки берадиган ҳамда Тожикистон — Ўзбекистон ҳамкорлигининг мазмунан бой устуворликларини белгилаб берадиган имконият сифатида кўрмоқдамиз. Тожиқ-ўзбек муносабатларини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишга имкон берувчи кенг доирадаги

масалаларни қамраб олган салмоқли ҳужжатлар тахлами имзолаш учун тайёрланди.

— Маълумки, кейинги йилларда мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатларида ижобий силжишлар рўй берди, кўпгина мураккаб масалалар бўйича ўзаро мақбул қарорларга эришилди, савдо ва маданий алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Бизларнинг яхши кўнчилигимиз мустаҳкамланиши, ҳамкорлигимиз фаоллашувига кўмаклашган асосий омиллар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ҳа, дарҳақиқат, халқларимиз давлатлараро муносабатларнинг турли даврларини бошдан кечирди, бироқ шуни ишонч билан айтишим мумкинки, бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида бирон-бир соҳада ҳал этилмаган муаммо қолмаган.

Биз тожиқ-ўзбек стратегик шериклиги йўлида тобора кенгайиб бораётган самимий яхши кўнчилилик муносабатларини қадрлаймиз. Бундай алоқалар кўп асрлар давомида халқларимиз ўртасида дўстлик ришталари ҳамда ўзаро ҳурмат аъналарига асосланган.

Айтиш мумкинки, тожиқ-ўзбек муносабатлари бугунги кунда ўта юқори маррада, икки мамлакатнинг ҳар томонлама стратегик шериклиги ривожланишида эса, мисли кўрилмаган имкониятлар эшиклари очилмоқда.

Икки давлат етакчилари — Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бундай яратувчилик жараёнига сабаб бўлишаётди. Биз барча даражаларда ўзаро ҳамкорликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш ва кенгайтириш қарорига қатъиймиз.

Савдо-иқтисодий муносабатлар икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим қирраларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишда эътиборга молик муваффақиятларга эришилдики, улар мамлакатларимиз ўртасида товар айланмаси ошишидаги барқарорлик тамойили юзага келишига кўмаклашди.

Коронавирус пандемиясига қарамасдан, ўтган йили савдо алоқаларимизда пасайиш куза-

тилгани йўқ. Кўрсаткичларимизда ўсиш тамойилига эришилди. Бу аъна жорий йилда ҳам давом этмоқда. Амалий ҳамкорлик даражасини янада ошириш мақсадига икки мамлакат яқин вақтларда ўзаро савдо ҳажминин 1 миллиард АҚШ долларига етказишни стратегик мақсад сифатида белгилаб олди.

Бу мақсадни амалга ошириш, албатта, ҳар икки томоннинг саъй-ҳаракатларини талаб этади. Биз ўзаро манфаатли тамойиллар асосида ишлашда давом этишимиз, ҳамкорликнинг жозибали ўсувчанлигини сақлаб қолишимиз ва қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, юқори технологиялар, телекоммуникация ва кимё саноати каби соҳаларда ҳамкорлигимиз салоҳиятини оширишимиз керак.

Шунингдек, гуманитар ва минтақаларо алмашувларни ҳамда ҳамкорликни фаоллаштириш лозим. Ҳамкорликнинг шундай тизимини шакллантириш керакики, токи у бир пайтнинг ўзида аниқ белгилаб олинган устуворликлар бўйича барча йўналишларни қамраб олсин ва олдинга қараб ҳаракатлансин. Ишончим комилки, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг кўпқиррали ва ҳар томонлама амалий ҳамкорлиги муштарак саъй-ҳаракатлар тўғрисида янги-янги марраларга кўтарилгани ҳолда икки мамлакат халқларига салмоқли, аниқ ва сезиларли манфаатлар келтиради.

— Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг ҳозирги ўсувчанлиги юзасидан билдирган фикрларингиз учун раҳмат. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари ва яқин муддатларга мўлжалланган режалар ҳақида нима деган бўлардингиз?

— Икки томонлама ҳамкорликнинг катта истиқболлари икки мамлакат Президентларининг ташриф чоғида имзоланадиган Қўшма баёнотида баён этилади.

Тожикистон ва Ўзбекистон ўзининг жуғрофий ўрни, иқтисодий жиҳатдан бири-бирини тўлдирishi, яқин тарихий маданий-гуманитар алоқалари ва бошқа жиҳатларидан фойдаланиб, куйидаги йўналишларда ҳамкорлики

янада ривожлантириши мумкин.

Биринчиси, бу ягона транспорт йўлакларини барпо этишдир. Тожикистон томони Ўзбекистон билан темир йўллар, автомобиль ва авиақатновлар соҳасида, шунингдек, транзит ташувлар бўйича ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир.

Иккинчи йўналиш савдо ва сармоялар кўламини ошириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Тожикистон ҳукумати Ўзбекистон компанияларининг иш фаолиятини ва мамлакатнинг бизнестини яратилган имкониятларни олқишлайди.

Учинчи йўналиш гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, сайёҳлар оқимини ошириш бўйича ҳамкорлик, илмий алмашувларни фаоллаштириш, делегациялар алмашуви ва бадий жамоаларнинг ижодий сафарларини ташкил этишдан иборат.

— Ўзбек ва тожиқ халқлари азалдан ёнма-ён яшаб келган. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, улар худди бир даракнинг икки шохига ўхшайди. Ўзбекистонда тожиқ диаспораси, Тожикистонда эса, ўзбек диаспораси истиқомат қилади. Сўнги ўзгаришлар шартотида халқ дипломатияси икки қардош мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка қандай таъсир кўрсатмоқда?

— Халқларимиз ўртасидаги яқин дўстлик, ўзаро ишонч давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим омил бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бугунги кунда кўп кутбилик ва глобаллашув жараёни жадал ривожланмоқда, халқаро муносабатлар мазмуни кун сайин бойиммоқда, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорлик доимий равишда кенгайиб бормоқда. Дипломатия ҳукуматлар ўртасидаги алоқалар билан чекланмапти, у ўзининг хилма-хиллигини, кенг қамровларни ва ирмоқларини намоён этаётгани ҳолда халқаро муносабатларнинг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Халқ дипломатияси расмий дипломатияга қўшимча қувват

берадиган муҳим йўналиш бўлиб қолди.

Бизнинг кўп асрлик ўзаро яқин тарихий-маданий алоқаларимизни ҳисобга олган ҳолда айтишим мумкинки, икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик бугунги кунда ҳам алоҳида ўрин тутади. Икки мамлакат маданият ва санъат намоёндалари иштирокида ўзаро маданий тадбирлар ўтказиш яхши аънағана айланади ўрин тутади. Икки мамлакат ўзаро тушунишни яхшилаш ва икки мамлакат халқларини янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон ва Тожикистоннинг илмий-ижодий доиралари вакиллари, жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни алоҳида қайд этиш лозим.

Сўнги йилларда томонлар “Маданият кунлари”, “Кино кунлари”, бошқа турли конференциялар ҳамда учрашувлар каби ўзаро ҳамкорликдаги тадбирлар ўтказмоқда. Улар икки халқни янада бирлаштириш учун кўприк вазифасини бажараётди, десак сира муволафа бўлмайдим.

Ўзбекистон Президентининг Душанбега расмий ташрифи давомида ўзбек ва тожиқ санъат усталари иштирокида “Дўстлик кечаси” концерт дастури бўлиб ўтди. Айтишим мумкинки, бир сахнада ўзбек ва тожиқ санъаткорларини кўриш кишига мамнуният бағишлайди. Биз янги маданий алоқаларни ўрнатамиз, маданий жамоаларнинг ташрифлари ва бадий асарлар таржималари алмашувини кучайтирамиз, биргаликда маданий дастурларни ташкил этиш бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш ишларини давом эттирамиз.

Бир сўз билан айтганда, бугун Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида кўптомонлама стратегик ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бунга икки давлат раҳбарларининг ўзаро яқин шахсий алоқаларисиз ва икки халқнинг фаол иштирокисиз эришиб бўлмас эди.

— Ҳурматли элчи, батафсил жавобларингиз учун ташаккур!

Наргис САИДАЛИЕВА суҳбатлашди.  
“Дунё” АА



Актама ХАЙТОВ,  
Ўзбекистон фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа  
ер эгалари кенгаши раиси

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз раислигида қишлоқ ҳўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажминини кўпайтириш масалаларига бағишлаб 8 июнь куни ўтказилган видеолектор йиғилишида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муҳим йўналишлар белгилаб берилди.

Эндиликда бу йўналишдаги ишлар жадал давом эттирилиб, жорий йилдан бошлаб галладан бўшаган қарийб 100 минг гектар ер майдонлари ишсиз аҳолига деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун берилиши, пахта ҳосилидан кейин ушбу мақсадлар учун яна 100 минг гектар ер ажратиши давлатимиз томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун катта ислохотлар бошланганидан далолат беради.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ерни ҳаққий эгасига — халққа бериш

учун ҳокимлар, сектор раҳбарлари билан биргаликда қайси пахта ва галла майдонини қисқартиришни аниқлаб, уларни ишсиз аҳолига бериш юзасидан зарур чораларни кўради. Ўз навбатида, ер олган аҳолига уруғ ва кўчатлар етказиб бериш, етиштирилган маҳсулотни сотиб олишни молиялаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Бу тизим орқали эса юз минглаб фуқароларимизни иш билан, даромад билан таъминлашга эришилади.

## ЕР АЖРАТИШДА ТЕНГЛИК ВА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Ер умуммиллий бойлик, энг муҳим табиий ресурс бўлиб, унинг ҳисобини аниқ юритиш ва самарали фойдаланиш қишлоқ ҳўжалиги, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш каби кўплаб соҳалар учун жуда муҳимдир. Лекин тартиб-интизом, ҳисоб-китоб бўлмагани сабабли ер участкаларини ажратиш масаласи энг чигал муаммо, коррупциялашган жараён эди.

Шу сабабли соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш учун тизимни ислоҳ қилиш бошланди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ерга оид мулквий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Унга биноан, жорий йил 1 августдан бошлаб ер участкалари хусусий секторга — мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва томорқа фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади. Мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилиниб, бунда илгари ажратилган ер участкаларига бўлган бундай ҳуқуқлар

уларнинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қолинади.

Фармонда белгилаб қўйилганидек, энди тадбиркорлик учун ерларни тўғридан-тўғри ва текинга бериш амалиётини бунунлай воз кечилиб, ерлар ҳамма учун бир хил ва ошқора, электрон аукцион орқали хусусий мулк қилиб сотилади ёки ижарага берилади. Туман ва шаҳар ҳокимларининг ер ажратиш ва уларни қайтариб олиш билан боғлиқ барча ваколатлари бекор қилинди.

Йиғилишда жойларда мазкур фармоннинг ижросини ташкил этиш, ҳалоллик ва қонунийликни таъминлаш бўйича топшириқлар берилдики, бу, ўз навбатида, барча даражадаги раҳбарлар қатори бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди. Бундан буён Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши вакиллари тегишли ташкилотлар билан биргаликда жойларда доимий назорат ва мониторинг олиб боради, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларнинг ҳаётлигини таъминлайди.

## ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ МУТАНОСИБЛИГИГА ҚАНДАЙ ЭРИШИШ МУМКИН?

Озиқ-овқат маҳсулотларининг арзон ва етарлиги халқ розилигининг асосий омилларидан биридир. Шу боис, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сифатини ва экспорт салоҳиятини ошириш, бозорларни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирishга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳоли фаровонлигига дахлдор яна бир масала озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлигидир. Аммо нарх-навоини арзон қилиш тадбиркор ва чорвадорларни мажбурлаш, уларга маҳсулотини паст нархларда соттириш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, бозорда тақлифни

кўпайтириб, қисқа муддатларда юқори натижа берадиган йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, паррандачиликни ривожлантириш орқали ҳам бу масалага ечим топса бўлади.

Чунончи, парранда 1 килограмм вазн олиши учун 1,7 килограмм, қорамолга эса 8 килограмм озуқа-ем талаб этилади. Лекин юртимизда парранда гўшти ҳам, тухум ҳам аҳоли жон бошига ҳисоблаганда кам етиштирилади. Шу боис, парранда саноатини қўллаб-қувватлаш бўйича янги механизмлар белгиланиб, тухум учун субсидия миқдори 3 баравар, парранда гўшти учун эса 2 баравар ошириладиган бўлди. Бунда омехта ем ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга айланма маблағни тўлдирish ва паррандачилик лойиҳалари учун кредитларнинг Марказий банк асосий ставкасидан юқори қисми қўллаб берилиши тадбиркорларни ҳам, аҳолини ҳам мамнун этапти.

Паррандаларни сўйишга мўлжалланган замонавий комплекс лойиҳалари бўйича харажатларнинг бир қисми компенсация қилиниб, паррандачилик корхоналари учун фойда, мол-мулк, ер ва суви солиқлари ставкалари 50 фоиз камайтирилиши, бу тармоқдаги лойиҳаларга “Микрокредитбанк” орқали давлат томонидан 50 миллион доллар ресурс ажратилиши тадбиркорлар учун катта имконият ва рағбат бўлди.

Ички истеъмол бозорини гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, икки ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳам долзарб вазифалардан саналади. Кейинги йилларда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантиришга доир муҳим қарорлар қабул қилиняпти.

Давлатимиз раҳбари ҳар доим вазифа кўяр экан, аввало, уни молиялаштириш масаласини ҳал этиб беради. Бу гал ҳам шундай бўлди. Жумладан, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти фаолиятини қайта ташкил этиб, шароитимизга мос, насли пар-

ранда зотларини яратиш вазифаси қўйилиб, мазкур институтни зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, насли зотлар олиб келиш учун 10 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Йиғилишда чорвачилик соҳасида мингдан ортиқ, балиқчилик йўналишида 317 та лойиҳани ишга тушириб, гўшт етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари кўриб чиқилар экан, жорий йилда сув танқислигини инобатга олиб, қудук қазига 200 миллиард сўм ажратилиши ҳисобидан камида 10 минг гектар ернинг озуқа-ем етиштиришга мослаштирилиши уларнинг нархларини мақбуллаштириш ва барқарорлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу эса ички истеъмол бозорини гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга қаратилган муҳим қадамдир.

Бугун янги Ўзбекистонда катта ўзгаришлар, янгиланган юз бермоқда. Илгари ишсиз ва даромад манбаига эга бўлмаган ёшлар, хотин-қизлар бугун доимий иш жойига, даромад манбаига эга бўлаётди. Жамиятга, давлатга, маҳалла-қўйига, қишлоғига фойдаси теяпти. Бу Президентимиз ўз вазифасига қиришган илк кунлардан оқ халқни рози қилиш, одамларнинг бахтли ва фаровон яшashi учун барча чораларни кўриб келатгани тўғрисида.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлардан кўзланган бош мақсад ишсиз, “Ёшлар дафтери”, “Аёллар дафтери”га киритилган фуқароларга ер ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, қишлоқ ахлининг турмуш шароитини янада яхшилаш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишдан иборат. Шу нуқтаи назардан йиғилишда белгилаб берилган ҳар қачонгидан муҳим вазифалар, давлатимиз раҳбарининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини ўз вақтида таъминлашда фаол ва ташаббускор бўлишимиз лозим.

ЭЗГУЛИК, ОДАМИЙЛИК, ГУМАНИЗМ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪРИФИЙ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИЛМОҚДА



Бошланиши 1-бетда

Мазкур жамиятни қуриш ғояси 2016 йил Қашқадарё вилоятида сайловчилар билан учрашувда Шавкат Мирзиёев томонидан илк дафъа жамоатчилик эътиборига қўйилган эди. Мамлакатимиз раҳбари жамиятнинг негизи бўлган оила ва ота-она ибрати, уларнинг фарзандлар тарбиясидаги шахсий намунаси маънавий юксалишимизнинг асоси эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

2017 йилнинг 19 сентябрыда давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида муҳим тарихий ҳужжат, яъни "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланувчи махсус резолюцияни қабул қилиш тақлифи берилди. Бу ҳуқуқий асоснинг муҳим мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмақлашдан иборат экани таъкидланди. Гап фақат бир давлатда маърифий жамият қуриш ҳақида кетмайпти, балки бутун дунёда юксак маънавий дунёқараш ва соғлом турмуш тарзини барпо этиш устида кетмоқда. Бу эса, бутун дунёда куч, зўравонлик ишлатиш орқали мақсадга эришиш сиёсатидан тамомила воз кечиш ва тинчликка интилиш орқали ҳаёт тарзини юритиш сиёсатига ўтишни талаб этади.

Мазкур муаммонинг нечоғли глобал эканини жаҳонда юз бераётган бугунги халқроқ сиёсат мантиси ҳам тасдиқлайди. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Шунингдек, БМТ сессиясида давлатимиз раҳбари "Маърифий ислом" тушунчасига ҳам дунё жамоатчилиги эътиборини қаратиб, муқаддас динимиздаги маърифий ислом таълимотини кенг ёниш заруратини ҳам асослаб берди.

Президентимиз раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизimini тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам маърифатли жамият барпо этишнинг ҳаракатланувчи кучи ривожланган инсон салоҳиятида экани таъкидлаб ўтилди. Яъни, маърифий давлат ва жамиятнинг бош ўзаги бўлган маърифий коммуналка эришишнинг ҳам уч тарихий жиҳати мавжуд. Бу уч жиҳат билим, меҳнат ва ақл омиллари бўлиб, улар фақат ўзаро фаол уйғунликда бўлгандагина самарали намоён бўлади.

## ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШЛАР НИСБАТИ

Маърифий жамият ҳаётга бўлган муносабатда дунёвий ва диний дунёқарашни мутолқаштирмайди. Аксинча, ҳар иккала дунёқарашдан ҳам инсон манфаатларига наф келтирувчи жиҳатларни ривожлантиради. Ҳолбуки, оламни, одамни англаш ва бошқаришда дунёвий идрок этишдаги икки маданият тўқнашуви инсоният тарихини яратиб келган. Уларнинг бири оламни диний-илоҳий асосга қурилган ва ҳамма нарса инсон идрокдан ташқарида юз беради, шу боис ҳам оламни илоҳий билишга интилиш зарур, деб қарашдан иборат. Олам Аллоҳ томонидан яратилган, инсон фаний дунёда омонат ашайди, дунёдаги барча жараёнларда Яратганнинг ҳужми бор. Инсонга эса, фаний дунёда муваққат яшаб, ўзидан насл қолдириши ҳамда кейинги, яъни боқий оламда роҳат-фароғатда яшаш учун савоб ва илм йиғиш имконияти берилган. Шу боис, диний давлатчилик тарафдорлари дунё ишлари фақат диний қондалар асосида бошқарилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Иккинчи маданият, яъни оламни моддий-дунёвий тушуниш тарафдорларининг аксарияти эса, дунёда олам ва одамни фақат материалистик нуқтаи назар орқали англаш мумкин, деб қарашади. Ўзини дунёвий давлат тарафдори деб билувчиларнинг ўзига ҳослиги шундаки, улар нимани ҳиссий аъзоларимиз билан идрок этсак, яъни кўзимиз билан кўрсак, қулоғимиз билан эшитсак, қўлимиз билан ушлаб кўрсак, таъмини оғзимиз билан татиб кўрсак, ҳидини бурнимиз билан сезсаккина ўша нарсани билишимиз мумкин, деб ҳисоблайди. Бундай ёндашув тарафдорлари, "Ҳаётда фақат бир марта ашайсан, шу сабабли бу оламда кучинг етганича маза қилиб, яшаб қол", деган қоидага таянади.

Дунёни материалистик англаб ёндашиш назариётчилари инсониятнинг тарихий-ақлий интеллектual ҳаётини ҳам бешта формага билан изоҳлашган, яъни булар: ибтидоий давр, қулдорлик даври, феодализм, капитализм ва социализм даврлари. Аммо бирмунча вақт аввал Австралия қитъаси яқинида бундан 5 миллион йил аввал музлаб, кейин қуриб тош қатламда қолиб кетган қилъка бағлиги топилган. Олимлар томонидан "ДНК" ва "РНҚ" анализлари ўтказилгач, унинг ҳозирги қилъка бағлигидан асло фарқ қилмаслиги аниқланди. Бу кичкина факт қатта шов-шувга сабаб бўлиб, эволюция назариясининг ўйлаб топилгани, аслида эса, унинг негизи мустаҳкам эмаслигини тасдиқлади.

Дунё тарихи мана шу икки ёндашув ўртасида аёвсиз кураш занжиридан иборат. Бу кураш занжирининг биргина ўтган XX асрдан қонли бўғини номига дунёвий, аслида эса, атеистик давлатни барпо этиш мақсадини қўйган коммунистик режим томонидан 200 мингта яқин ҳақидинг

қатагон қилиб қириб ташланиши, ўн минглаб масжиду мадрасанинг бузиб ташланиши, қадимий қўлёмаларнинг ёқиб юборилиши, асрий маданий обидаларимизнинг йўқ қилиниши, миллат қиёфаси ва менталитетига жиддий зарба берилишида намоён бўлди.

Собик совет тузуми давридаги дунёвий давлат ниқоби остида моҳият эътиборига қўра, атеистик жамият барпо этувчилар ўзларининг амалий ҳаракатларини оқлаш учун мустаҳкам назарий асослар ҳам яратиб олишди. Ушбу жиддий назарий асоснинг биология, анатомия, геология, кимё фанларидаги илдизи инглиз олими Чарльз Дарвин номи билан боғланади. Бу атеист олим дунёдаги жамки жонли ва жонсиз табиат, хусусан, инсон зоти ҳам табиий эволюцияни ўз бошидан кечирган, деган ғояни асослашга уринади. Ўз вақтида бу ғоя аксарият зиёлилар томонидан қулги ҳам бўлган. Аммо инсоният учун зарарли бўлган коммунистик жамиятнинг катта назариётчилари Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин учун эволюция назарияси жуда қўл келди. Улар инсон асли бир ҳужайрали бактерия бўлган, кейин сувда сузувчи ҳайвон бўлган, эволюция таъсирида эса, бу ҳайвон маймунга айланган. Маймун эса, қўл минг йиллар давомида аввал тошни ўйиб меҳнат қуроллари ясаб, тинимсиз меҳнат қилиши, кейин ўтроқ яшаш тарзига ўтиши натижасида инсон қиёфасига кириб ақли бўлиб қолган, деган мантқиқий мағзи пуч ғоя билан одамларни ишонтиришга уринишган. Ишонтириш қийин кечганидан сўнг, коммунистлар ўзларининг бу аҳмоқона ғояларига кимлар ишонмаганини аниқлашга ҳаракат қилишган. Ишонмаганлар эса саводли, маданиятли ва чуқур фикрловчи одамлар бўлиб чиққан. Шу боис ҳам шўролар 70 йил мобайнида бундай одамларни қиришган.

**Дунёдаги материалистик ёндашув тарафдорлари сўнгги 50 йилда бирмунча либераллашди. Улар дунёвий давлат динни инкор этмайди, деган нуқтаи назарни илгари сура бошлади. Дунёвий давлат тарафдорлари дин ва диний эътиқодга сабр ва бағрикенглик билан ёндашади. Бунга мисол қилиб, АҚШ, Франция, Германия ва бошқа ривожланган дунёвий давлатлар сиёсатини мисол қилиб олиш мумкин.**

Дунёвий давлатнинг қатъий қоидаси, бу — дин давлат ҳокимиятидан ажратилган ва ўз фаолиятини диний меъёрлар асосида эмас, балки реал қонунлар асосида тартибга солинувчи тузилмаларга эга давлатчилик қуриш бўлиб, давлат органларининг қарорлари фақатгина диний асосга эга бўлиши мумкин эмас, деган нуқтаи назарни ифода этади.

Дунёвий давлат қонунчилиги диний меъёрларга қисман мос келиши ҳам мумкин. Масалан, абортни тақиқлаш, агар бу диний шартлар билан эмас, балки умумий инсонпарварлик мулоҳазалари (аниқроғи, тиббий ва биологик мақсадга мувофиқлиги билан) асосланса, дунёвий ёндашув умумий жамият қарорига айланиши мумкин.

Дунёвийлик принципи давлатни диний доғмалардан ажратилиши назарда тутаяди, лекин динни ижтимоий ҳаётдан бутунлай олиб ташлашга интилмайдди. Аммо у ижтимоий ва сиёсий ҳокимиятнинг ташкил этишининг асосий шакли сифатида воқеликка реал ёндашувчи давлат ролини сақлаб қолади. Дунёвий давлатларда фуқароларни маънавий ва сиёсий тарбиялашда дин имкониятларига устуворлик берилмайди. Диний (теократик) давлатларнинг ўзига ҳослиги эса, қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) давлат ҳокимияти давлатни ташкил этиш ва бошқариш мақомига эга бўлган муайян диний ташкилотга бўйсунди ва унга тегишли бўлган кадрларга амал қилади;
  - 2) диний эътиқодни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар давлат қонунчилиги ва жамият қоидаларининг асосий манбаини ташкил этади;
  - 3) давлат раҳбари бир вақтнинг ўзиде энг нуфузли диний аربоб, олий руҳонийлардан сайланган бўлиши олий диний ташкилот томонидан тайинланади (масалан, Ватикан давлатида). Умухалқ сайлов тартиботи мавжуд бўлган давлатларда сайланган давлат раҳбари муайян олий диний муассаса томонидан доимий назорат қилинади. Масалан, Эрон конституциясига биноан Эрон Ислому Республикасида сайланган диний раҳбар Президентдан юқори бўлган Фақиҳ назорати остида бўлади;
  - 4) муайян диний эътиқод давлат сиёсатида устувор бўлган давлатларда бошқа диний эътиқодга мансуб аҳоли вакилларига тоқат қилиш амалиёти мавжуд бўлади ва ҳатто баъзида давлат идораларида диний озоқликнинг вакили сифатида ишторқ этиши мумкин.
- Давлат бошқарувида тўлиқ теократик сиёсат юргизувчи мамлакатлар сифатида (диний давлатлар) — Эрон, Марокаш, Покистон, Саудия Арабистони ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪРИФИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ

Мамлакатимизда маърифий давлатчилик асосларини барпо этиш уч бошқичдан иборат бўлди. **Биринчи бошқич**, моҳиятан тамомила янги маърифий давлатнинг ҳуқуқий асослари яратилганили, яъни инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган 500 дан ортиқ қонун, 2 мингдан кўпроқ фармон ва қарорлар қабул қилиниши ва ҳаётга изчил жорий этилишида намоён бўлди.



**Иккинчи бошқич**, маърифий давлатнинг ташкилий таркибий тузилмаларини шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, ўтган 5 йил мобайнида инсон манфаатларини тўғридан-тўғри ҳурмат қилувчи қатор вазирилик ва идоралар ташкил этилди, мавжудлари эса, мазмунан бойитилди. Бу даврда мамлакатимизда илк дафъа Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Мактабгача таълим, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазириликлари тузилди.

Аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи "Саховат ва қўмак", мутахассисларни хорижга тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди", Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармалари ташкил этилди.

**Учинчи бошқич**, маърифатли давлатнинг ижтимоий таянчи бўлган маънавиятли жамиятнинг шакллантириш билан боғлиқ. Бу даврда аҳоли турли табақалари, хусусан, ёшларни ҳаётга муносиб тайёрлашнинг миллий механизми — 5 муҳим ташаббус доирасидаги янги ижтимоий ҳаракат кенг ёйилди. Аҳолини доимий даромад манбаига эга қилиш, ҳар бир оилани "кичик ватанли" қилиш, эҳтиёжманд оилаларни ва аҳоли турли табақалари вакиллари орасидан ижтимоий қўмакка муҳтож фуқароларни манзилли аниқлаб, қўллаб-қувватлашга қаратилган "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" юритила бошланди. Шунингдек, мамлакатимизнинг барча маҳаллаларида 3 бўғинли "Маҳаллабай" ишлаш тизими йўлга қўйилди. Бутун халқимизни ва ҳар бир инсонни эътиборсиз қолдирмаслик ҳамда рози қилиш бўйича умумжамият ҳаракати ишга тушди.

## КАТТАЛАР ТАЖРИБАСИ ВА ЁШЛАР ШИЖОАТИ УЙҒУНЛАШМОҚДА

Давлат ва жамият тузилмаларида илм-фан ва англаган билим омилига таяниш, катталар тажрибаси билан ёшлар шиддатини уйғунлаштириш фаолиятларининг ўзаига айланди.

Мамлакатимизда **халқ давлатга эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак**, деган сиёсатга тўла куч билан амал қилина бошланди. Халқ қабулхоналари, Президент, Бош вазир ва ҳокимлар қабулхоналари одамларни тинглаш, қалбига қулоқ тутиш, муаммоларни жойида ҳал этиш ишлари барқарор тизим сифатида ишлай бошлади. Шу пайтга қадар 3 миллионга яқин фуқаронинг муаммолари ўрганилиб, уларнинг 70 фоизи жойида ҳал этилди. Қолганлари эса, амалдаги қонунлар ва имкониятлар асосида фуқароларнинг фойдаси йўлидаги ечимларни топиш жараёнига қўйилди.

**Инсон манфаатларига хизмат қилиш олий инсоний қадриятга айланди. Ҳеч кимнинг давлат ва жамият томонидан беъэтибор қолдирилмаслиги, инсон саломатлиги ва таълим-тарбиясини яхшилаш мақсадлари устувор сиёсатга айланди. Давлатлараро, жамиятлараро ва инсонлараро муносабатларда ўзаро хайрихоҳлик муҳити шакллантирилди. Дўстлик, елкадошлик, ҳамжихатлик, ҳамкорлик ҳаракатлантирувчи куч сифатида қафолатли тинчликка эришиш умумий ҳақиқатга айланди.**

ўз халқи тарихи, улуг аждодлар меросига муҳаббат, миллат маънавияти, санъати ва маданиятига садоқат бош қадрият даражасига кўтарилимоқда.

Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча халқлар маънавияти ва миллий ўзлигига бағрикенглик, ҳурмат қилишга асосланган муносабат барқарор шакллантирилди ва мустаҳкамланмоқда. Барча даражадаги ижтимоий муносабатларда компромисс муҳитидан консенсус муҳитига ўтишга интилиш устувор ҳаракатга айланиб, ҳар бир инсон ички салоҳиятининг тўла рўёбга чиқиши ва касбий ҳамда юксак ахлоқий фазилатга эришиши таъминланмоқда.

## КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ БҲЙИЧА ЯНГИ МЕХАНИЗМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида камбағалликдан чиқариш бўйича тамомила янги маърифий механизмни тақдир этди. Унга қўра, "Темир дафтар"га киририлган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича "мотивация, кўникма ва молиявий қўмак" тамойили асосида янги механизм жорий этилиши белгиланди. Бу маърифий механизм инсонни нафақат доимий даромад манбаи эгаси қилади, балки унинг ўз қизиқиши доирасида фаолият юритиб, доимий касбий такомиллашуви, фаолиятга креатив, яъни ижодий ёндашиб, ўз машғулотидан завқ олиб ишлаши ҳамда ҳаётдан рози бўлишига имкон яратади.

Давлатимиз раҳбари маърифий такомиллашуви йўлида инсоннинг ўзига ўзи мотивация ва рағбат бера олиши ва ўзини ривожлантириш учун катта мақсадларга шай қила олиши масаласида алоҳида ургу бериб, шундай деди: **"Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил, бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак"**.

Айни мақсадда шу йилнинг ўзида мингдан зиёд турли касб-хунарга ўргатувчи марказлар ҳамда туманларда халқроқ касбий талаблар ва стандартларга тўла мос келувчи кичик иқтисодиётларга ўргатувчи "Ишга марҳамат" мономарказлари ишга туширилиши режалаштирилди. Маърифий ривожланиш учун ҳар бир инсоннинг ўз касбида юксак малака ва маҳоратга эришиши ҳам талаб этилади. Давлатимиз раҳбари айнан ана шу талабнинг ижроси ҳаёт ва фаолиятда ўта зарурлигини таъкидлаш учун Ҳазрат Алишер Навоийнинг **"Кўёшлик истасанг, касби камол эт"**, деган ҳикматини келтиргани ҳам бежиз эмас.

## ХАЛҚАРО МУАММОЛАР ЕЧИМИДАГИ МУҲИМ ЁНДАШУВ

Мамлакатимизда янги давлат барпо этишга кирилишининг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз амалга ошираётган маърифий сиёсатнинг зўравонлик ёки куч ишлатиш сиёсатига тамомила зидлиги, тинчлик, меҳр маданиятига барқарор таяниши дунё ҳамжамиятига аён бўлди. Узок йиллар мобайнида яқин қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатда давлатларнинг бир-биридан бегоналашуви, меҳрсизлик, иллат излаш сиёсати тубдан ўзгарди. Шавкат Мирзиёевнинг давлатлараро муносабатлар барқарорлиги ва қафолатли тинчлигини таъминлашда ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни бош омилга айлантиришдан иборат маърифий сиёсати қутилганидан ҳам кўпроқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий наф келтира бошлади. Чегараларнинг очилиши, ўзаро бож сиёсатини юргизишда берилаётган имтиёзлар, иқтисодий ривожланиш йўлидаги ишончли ҳамкорлик мамлакатлар фаровонлигини таъминлашда ва аҳолининг розилигини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган соноат товарлари, озиқ-овқат, мева-сабзавот экспорти улушида яқин хорижий мамлакатлар билан товар айирбошлаш салҳосияти кескин ошишига эришилди. Биргина Тожикистон, Афғонистон ва Қирғизистонга қилинувчи экспорт ҳажми сўнгги 4 йилда 5 баравардан ошгани ҳам айнан маърифий ёндашувнинг маҳсулидир. Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75-сессиясида ҳам халқроқ муносабатларни тамомила янги изга кўчириш, тинчлик ва маърифатга интилишни умумжаҳон ҳаракатига айлантириш кераклигига эътибор қаратиб, "Биз хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янги ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликка ишлатишимиз зарур", деб таъкидлади.

Шунингдек, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам **дунёни янги 9 йўналишда маърифий идрок этиш борасида** амалга оширилиши зарур бўлган концептуал вазибалар янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги кенг қамровли ишларини бардовом бўлишини таъминлаш ҳақида айтиб ўтилган.

Янги Ўзбекистонда жадал суратларда барпо этилаётган маърифий давлат ва маърифий жамият мамлакатимизни юксак интеллектуал, маънавий ва индустриал жиҳатдан мисли қўрилмаган юксакликларга олиб чиқиши ҳамда бутун халқимиз ва ҳар бир фуқарони бахтли, саодатли қилиши, шубҳасиздир.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

“UZBEKISTAN GTL” – ЖАҲОН ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИ ГИГАНТИ

Бошланиши 1-бетда

САҲРОДАГИ БЕТАҚРОР САНОАТ МЎҶИЗАСИ

Жаҳон энергетика тармоғидаги энг йирик лойиҳалардан бирига Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги “Шўртан газ-кимё комплексининг тоза-ланган метан негизда суюқ синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан шарт берилган эди. Давлатимиз раҳ-барини бу улкан лойиҳа ташаббускори сифатида унга бўлган эътиборини бир зум эса-да, сусайтирмади. Ўтган йиллар мобайнида бу ерга бир неча бор келди, ўзгариш ва янгиланишларни кўздан кечириб, мутасаддиларга муҳим топшириқлар берди.

“GTL” да илк кунлардан бунёдкорлик ишлари шиддат билан бошланди, иш суръати асло пасаймади. Ҳатто 2020 йилдаги пандемия ҳам бунёдкорларнинг шахдини сундира олмади. Айни дамда лойиҳанинг бажарилиш ҳажми 96 фоизга етди. Бугунги кунда қурилиш-монтаж ишлари билан бир пайтда заводни ишга тушириш ва созлаш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Халқаро консултант Сараванан Сувермани уч йилдан бунён мазкур қурилишда иштирок этмоқда. Экспертнинг сўзларига кўра, мазкур саноат мажмуаси дунёдаги GTL лойиҳалари ичида энг улкани.

— Ўзбекистон Президенти завод қурилатган майдонга бир неча бор ташриф буюрди, — дейди Сараванан Сувермани — Зеро, бу ташаббус ортида янги тафаккур, технологиялар, янги истиқбол ва экспортнинг янги имкониятлари мумкин. Мамлакат раҳбарияти лойиҳани ҳаётга татиқ этишга катта эътибор қаратиб келяпти. Бизни кўллаб-қувватлаб, юзага келадиган ҳар қандай масала ва муаммони ҳал этиб берапти. Чунки бу мамлакат учун улкан иқтисодий истиқболларни белгилайдиган йирик қувват. Завод ишга тушган, саноат ва қишлоқ хўжалиги учун зарур барча ёқилғи турлари ишлаб чиқарилади. Табиийки, мамлакатнинг иқтисодий ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Бу каби улкан қувватларни ишга тушириш орқали қисқа фурсат ичида ақлловар қилмас иқтисодий юксалишга эришиш мумкин.

1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК НЕФТЬ ХОМАШЁСИ ИМПОРТИГА ЧЕК ҚУЙИЛАДИ

Хўш, нима учун “Uzbekistan GTL” заводини саноат гиганти сифатида таърифлаёмиз? Биргина қисс. Қатарда GTL технологияси асосида фаолият кўрсатувчи заводда бир йилда 1 миллион 200 минг тонна суюқ синтетик ёқилғи ишлаб чиқарилади. Нигериядаги GTL заводи 1 миллион 300 минг тонна шундай ёқилғи ишлаб чиқариш қувватига эга. “Uzbekistan GTL” ишга тушган, бу курсаткич 1,5 миллион тонна бўлади.

Ўзбекистон бозори учун янги, шу билан бир-га, юқори сифатли нефть маҳсулотлари — 724,6 минг тонна дизель ёқилғиси, 437,3 минг тонна нафта, 307,3 минг тонна авиакеросин, қолаверса, 53,4 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади. Бу — йилига нефть хомашёси импорти учун сарфланаётган 1 миллиард долларгача валюта иқтисод қилинади, дегани.

— Лойиҳада нефть ҳамда табиий газни қайта ишлаш заводлари уйғунлашган, — дейди “Uzbekistan GTL” компанияси бўлим бошлиғи Носир Зокиржонов. — Яъни заводнинг ярим газни, қолган қисми нефтни қайта ишлайди. Лойиҳанинг ноёблиги шунда. Завод учун эксклюзив тайёрланган Фишер-Тропш реакторлари ёрдамида метан газини молекуляр даражада парчаланаяди. Бу жараёнда синтетик газ олинади. Ундан исталган нефть маҳсулотини тайёрлаш мумкин. Заводимиз ишга тушса, Ўзбекистон иқтисодиётига жуда катта ҳисса қўшишига ишонаман.

Мегалойиҳани ишга туширишдек энг масъулиятли ишда бош-қош бўлаётган ёш мутахассисдан “Заводни одамлар ўз ҳаётида ҳис қиладими?” деб сўраймиз.

— Албатта, ҳис қилади, — дейди қатъий ишонч билан Носир Зокиржонов. — Энг аввало, бозорда юқори сифатли янги маҳсулотлар пайдо бўлади. Лойиҳа ишга тушса, углеводород хомашёсини импорт қилишга ҳожат қолмайди. Заводимиз бир кун эртарақ ишга тушиши ҳам иқтисодиётимизга катта даромад олиб келади. Шу жиҳатдан қурилиш жараёнидаги ҳар бир дақиқамиз, ҳар бир кунимиз ҳисобли.

ХОМАШЁ ҚИЙМАТИ КАМИДА ИККИ БАРОБАР ОШАДИ

Умумий қиймати 3,6 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган бу мажмуа ўз миқёсига кўра, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун минтақадаги энг йирик инвестицион лойиҳалардан биридир.

— Бу биёбонларда ёшлигимиз ўтган, — дейди гузорлик меҳнат фахрийси Халил Соатов. — Қақраб ётган чўл эди. Мана шундай улкан иншоот қуриляптики, уни қуриш ҳам ҳар қандай давлатнинг, ҳар қандай давлат раҳбарининг қўлидан келавермайди. Бунинг учун жасорат, ишонч керак. Янги Ўзбекистоннинг яна бир забардаст қадами, десак ҳам бўлади. Бу завод келажакни кўзлаб қилинаётган иш, Президентимизнинг етти ўлчаб, бир кесиб, шу юрт, шу эл учун қилаётган улкан лойиҳаларидан бири.

Мегалойиҳанинг яна бир аҳамиятли жиҳати унинг жаҳон бозорида энг арзон ҳисобланган метан газини қимматбахо нефть маҳсулотига айлантириш имкониятидир. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, GTL технологияси асосида қайта ишланган углеводород хомашёсининг қиймати камида 2 баробар ошади.

— Ўзим иқтисодчи олимман, — дейди Халил ота. — Биз газни хорижга экспорт қилардик. Қайта ишлаш, қўшимча қиймат йўқ эди. Хўзурини чет элликлар кўради. Худди пахтачиликдаги каби. Мана, кластерлар жорий этилиб, деҳқоннинг ҳам қосиси оқари. Янги завод иқтисодий самардорлигининг ҳам чеки йўқ.



ЗАВОД УЧУН ФЙДАЛАНИЛГАН МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРДАН 4 ТА ЭЙФЕЛЬ МИНОРАСИ ҚУРИШ МУМКИН

Лойиҳа чин маънода гигант. Мажмуага жаҳоннинг энг олди технологияларига асосланган замонавий ускуналар ўрнатилган. Ҳисоб-китоб қилинса, ушбу ускуналар оғирлиги 40 000 тоннадан ошиб кетади.

Тасаввур қилиш учун айтиш керакки, мана шундай оғирликдаги металл конструкцияларга Франциядаги машҳур Эйфель минорасидан 4 та қуриш мумкин.

— Углеводородни парчалаб, ундан умуман бошқа нефть маҳсулоти ҳосил қилиш учун, албатта, жуда чуқур қайта ишлаш технологияси талаб этилади, — дейди Носир Зокиржонов. — Бу завод 3 та лицензия — Жанубий Африка Республикасининг “Sasol”, Даниянинг “Haldor Topsøe” ва АҚШнинг “Chevron” компаниялари технологияси асосида қурилган. Мажмуада ҳавони таркибий қисмларга ажратадиган, ҳароратни автоматик тарзда назорат қиладиган дунёдаги энг олди технология ва реакторлар ўрнатилган. Бундай тарихий, улкан лойиҳаларда иштирок этиш ҳар бир ёшнинг орзуси деб ўйлайман. Албатта, мен ҳам бу қурилишга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман.

Тошкент давлат техника университети профессори, техника фанлари доктори Аъзамжон Зокиржонов қайд этишича, GTL заводини қуришда 20 та давлатдаги 129 та корхонада ишлаб чиқариладиган энг замонавий технологик ускуналардан фойдаланилган. Бу йирик мажмуа Ўзбекистон иқтисодиётидаги бошқа секторларнинг ривожланишига ва янгилари очилишига туртки беради.

МАҲСУЛОТЛАР “ЕВРО 6” СТАНДАРТИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Хўш, гигант ва ноёб дея таърифланаётган заводда ишлаб чиқарилган нефть маҳсулотларининг сифати қандай бўлади? Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда нефть маҳсулотларига “Евро 5” стандарти талаб этилади. Тахлиллар шуни кўрсатяптики, “Uzbekistan GTL” заводидан тайёрланадиган нефть маҳсулотлари ҳатто “Евро 6” мезонларига ҳам тўла жавоб беради.

— Бундай йирик лойиҳа қурилиши тарихда илк мартабага кузатилди. Завод кунига 37 минг баррель суюқ ёқилғи ишлаб чиқаради. Шу тарзда Ўзбекистон дунё миқёсига мазкур йўналишдаги етакчи давлатга айланади, — деб ҳисоблайди “Sasol” компанияси вакили Йохан Дегенаар.

ШУНДАЙ КУНЛАР КЕЛАДИКИ, МУТАХАССИСЛАРИМИЗ ЧЕТ ЭЛГА БОРИБ, МАНА ШУНДАЙ ЗАВОДЛАРНИ ҚУРАДИ

Ўзбекистон иқтисодий қудратини ўзида ифода этган улкан мажмуа том маънода мамлакат фахрига айланади, десак муболага бўлмайди. “Uzbekistan GTL”даги қизгин қурилиш жараёнларига гувоҳ бўлган Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори Октябрь Раҳимов ўз таасурларини бундай ифодалайди:

“GTL раҳбарияти заводнинг ишга тушганидан кейинги тақдирини белгилаш учун яқинда Ўзбек олимлари билан ҳамкорлик доирасида танлов эълон қилди. Танловда яхши ўрин олган бўлсам керак,

Улуғбек РАҲМОНҚУЛОВ, журналист

ИННОВАЦИЯ

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ, ИЛГОР ТАЖРИБА, МУНОСИБ ИШ ШАРОИТИ

ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДЛАРИ ОММАЛАШАДИ

Бешим ҲАМРОЕВ, “Вухага Varne” МЧЖ хорижий корхонаси директори

Йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, аҳолининг озик-овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлашнинг энг самарали усулларида бири — иссиқхона хўжаликлари ҳисобланади.

Юртимизда бу йўналиш сўнгги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга чиқмоқда. Соҳага алпақачон, замонавий “бешинчи авлод” иссиқхоналари кириб келди. Эндиликда, улар аҳолини иш билан таъминлашда ҳам етакчи йўналишга айланмоқда.



Президентимизнинг жорий йил 7 июндаги “Давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янада фаоллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Албатта, иссиқхона хўжалигига эга бўлиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш истагини билдирган аҳоли (ташаббускор аҳоли) томоқчалари ва хонадонларида майдони камида 10 сотих бўлган иссиқхоналарнинг барпо этилиши фискалорлар учун катта имконият яратади.

Мазкур қарорнинг бошқа муҳим янгилиги бор. Унга кўра, қишлоқ хўжалигига фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари, захирдадаги ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган, яроқсиз деб топилган боғ ва тоқзорлар жойлашган

бўш ерларда ҳар бирининг майдони камида 20 сотих бўлган тураржой мажмуасини ҳам қамраб олган иссиқхоналар (уй-иссиқхона мажмуалари) ташкил қилинади. Бундай мажмуаларни қуриш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилиш давлат-хусусий шериклик тамойили асосида амалга оширилиши белгиланди.

Ташаббускор аҳоли уй-иссиқхона мажмуалари фойдаланишга топширилган саноатдан бошлаб келишилган мuddатгача тузилган шартнома асосида уй-иссиқхона мажмуаларида ўзини ўзи банд қилган ҳолда фаолият олиб боради ҳамда уларда маҳсулотлар етиштириш билан шуғулланади. Келишилган мuddат аяқунланганидан сўнг уй-иссиқхона мажмуаларини мулк, улар жойлашган ерни ижара ҳуқуқи асосида (ижара шартномасининг амал қилиш мuddатига) бепул қабул қилиб олади ҳамда келгусида ундан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлайди.

Бу Ўзбекистонда янги ва замонавий лойиҳа ҳисобланади. Бундан 2 йил муқаддам Туркия компанияси инвестиция маблағлари асосида иш бошлаган “Вухага Varne” хориж корхонаси томонидан жорий йилда ана шундай “Иссиқхонали уй”нинг дастлабки намунаси корхона ҳудудида қуриб битказилди. Унда мустақил ишлаб оладиган оилалар тайёрланиб, кейин уларга топшириш кўзда тутилган.

Биз бу тажрибани Бухоро вилоятида бошлаганимиз бежиз эмас. Вило-

ятнинг кўп ерлари шўрхок ва қумлоқ, сув танқис бўлгани боис, бундай жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун гидропоника усули қулай ҳисобланади. Қарорда кўзда тутилган иссиқхоналар энг замонавий технологиялар асосида қурилади. Уларда йил давомида маҳсулот етиштириш имкони бўлади. Бу эса мўл ва сифатли ҳосил олиб, оиланинг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлайди.

Нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу лойиҳа асосида 20 сотих майдоннинг 11 сотихида инновацион иссиқхона, 9 сотихида тураржой мажмуаси қурилиб, корхонада фаолият юритаётган ҳамда ушбу соҳада тажрибага эга бўлган ёш оилаларга бериш, муҳтож оилаларни иш билан таъминлаш режалаштирилган. Улар шу ерда яшаб, иссиқхонада меҳнат қилиб, талаб этилган маҳсулотларни компанияга етиштириб беради. Корхона керакли кўчат, минерал озукларнинг барини ўзи етказаяди, тайёр маҳсулотни ҳам ўзи олади. Оила фақат ишчи сифатида меҳнат қилади. Бунинг учун уларга доимий ойлик маоши тўланади, албатта.

Яна бир афзаллиги, қарор билан иссиқхоналар ва уй-иссиқхона мажмуалари учун ер солиғи ставкалари ҳамда шу мажмуалар таркибидеги турар жойлар учун мол-мулк солиғи ставкалари улар фойдаланишга топширилган саноатдан бошлаб уч йил давомида 50 фоиз миқдорда ўрнатилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА БЎЛГАН УШБУ ЛОЙИҲА АСОСИДА 20 СОТИХ МАЙДОННИНГ 11 СОТИХИДА ИННОВАЦИОН ИССИҚХОНА, 9 СОТИХИДА ТУРАРЖОЙ МАЖМУАСИ ҚУРИЛИБ, КОРХОНАДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ҲАМДА УШБУ СОҲАДА ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН ЁШ ОИЛАЛАРГА БЕРИШ, МУҲТОЖ ОИЛАЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.



Мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад жаҳон стандартларига мос сифатли ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш баробарида ёш оилалар ва кам таъминланган оилаларга муносиб иш шароити яратиш, доимий даромад манбаи билан таъминлашдан иборат. Бунда одамларнинг иш жараёнини билмаслиги муаммо бўлмайди. Улар учун хорижий тажрибали агрономлар томонидан махсус ўқув курслари ўтилади. Кейинчалик ҳам улар оиллага йўл-йўриқ кўрсатиб, иссиқхона ишларини ташкил этишда кўмаклашиб боради.

Қарор асосида хусусий корхоналарга берилаётган имтиёзлар бу ишларни янада фаол амалга оширишимизда тиргак бўлади. Хусусан, уй-иссиқхона мажмуаларини қуриш учун хориждан олиб келинадиган, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган йиғилмайдиган

алоҳида қисмлардан иборат тайёр ҳолдаги замонавий иссиқхоналар 2021 йил 31 декабрда, шунингдек, иссиқхоналар ва уй-иссиқхона мажмуаларини ишлаб чиқариш учун хориждан олиб келинадиган, юртимизда тайёрланмайдиган материаллар, хомашёлар ва бутловчи қисмлар 2023 йил 31 декабрда божхона божидан озод қилиниши белгиланди.

Яқин йилларда Бухоро вилоятида босқичма-босқич 400 та “иссиқхонали уйлар”ни қуриш режалаштирилган. Бу лойиҳа бошқа ҳудудларда ҳам кенг оммалаштирилади. Ушбу хайрли ташаббус жойларда аҳолини иш билан таъминлаш, турли хилдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иссиқхоналар соҳасида мутахассислар тайёрлашда янгича ёндашув, илгор тажриба бўлиши шубҳасиз.

КЕЧА ВА БУГУН

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ

## жалқнинг келажagini белгилаб беради



**Шокир ҒАФҒОРОВ,**  
Самарқанд давлат университети профессори,  
тарих фанлари доктори

Бугун тараққийнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк эга оладиган бекиёс куч бўлган илм-фан, таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳоннинг қатор етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгилаштирилган ҳам бежиз эмас. Зеро, мамлакатнинг эртанги кунни, раванки айнан шу соҳада қўлга киритилган ютуқларга бевоисита ва билвосита боғлиқ.

Юртимиз ҳам бу жараённинг фаол иштирокчиси экани қувонарли ҳол, албатта. Эътироф этиш лозим, олий таълим тизимида юзага келган муаммоларни қисқа муддатда бартараф этиш мақсадида кейинги йилларда соҳани тубдан такомиллаштириш, изчил ривожлантириш, XXI ас талабларига мослаштириш, замон билан ҳамнафас қилиш борасида аниқ, изчил ва кенг қўламли комплекс чора-тадбирлар кўрилди. Шунингдек, соҳа тараққийига йўналтирилган ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилинди.

Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси соҳадаги янги ислохотлар учун дастуриламал вазифасини бажармоқда. Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққийни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқро ҳамкорлики мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмун-мамлакатимиз олий таълим тизимини ислох қилишнинг устувор йўналишларини акс эттирди. Унда олий ўқув юртиларида қамров даражасини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш, рақамли техно-



логиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижорийлаштириш, халқро эътирофга эришиш ва бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилди. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилди. 2019 йил 11 июлда олий таълим соҳасини ташкиллаштириш ва бошқариш тизимини тубдан ўзгартирувчи иккита муҳим ҳужжат қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари "Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқаруви ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон ҳамда "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқаруви янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Шунингдек, 2020 йил 23 сентябрь куни "Таълим тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, қонун жаҳон стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг қамрови кенглиги ва ўзига хос хусусияти билан "Таълим тўғрисида"ги аввалги қонундан тубдан фарқ қилади. Мазкур қонун ушбу соҳа тараққийига, ҳеч шубҳасиз, янги ўфқлар очиб беради. Унга мувофиқ, ўқитишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди. Таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан ҳамкорликда қўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга рўхсат этилди. Шунингдек, ўқувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди.

Президентимиз парламентга Мурожаатномасида илм-фан ва таълим тизимига тааллуқли қатор стратегик йўналишларни белгилаб берди. Бу янгиланган эътибор билан олий таълим сиёсати

мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ аниқлашга ўзига хос ёндашув бўлди. Зеро, кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, олий таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдевори бунёд этилади.

Кейинги тўрт йилда мамлакатимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш учун таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига қаратилаётган эътибор тизимли равишда ва изчил ортомқда.

Юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ, олий таълимга қамров даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 2020 йилда 25 фоизга етказилди.

Жорий йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони 25 фоиз оширилди. Олий ўқув юртиларига қабул қилишга эҳтиёжманд оилалар қизлар учун грантлар сони икки баробар кўпайиб, икки минг нафарга етказилди. Аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

Ўттизта етакчи олий ўқув юртига ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қабул квотаси ва молиявий масалаларни муस्ताкил ҳал қилиш ҳуқуқи берилди. Доцент ва профессор илмий ўнвонлари ҳамда фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколатининг етакчи олий таълим муассасалар илмий кенгашларига тақдим этилиши ҳам жорий педагог ва тадқиқотчида янги имконият эҳсанларини очиб беради.

Илм-фан соҳасида олий ўқув юртилари ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 минггага етказилиб, тизимни ривожлантириш учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилади. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси чуқурлаштирилиши ҳам бу борада кенг имкониятларни юзага келтирди.

Таълим сифатини тубдан яхшилайдиган педагог кадрларнинг хорижда малака ошириши учун муносиб шарт-шароитлар яратилди. Ўқитишнинг илғор технологиялари ўқитиш жараёнига жорий қилинаётди. Ўқув муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, кейинги йилларда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, халқро таълим стандартларига асосланган ўқув-услубий материаллар ва ўқув дастурлари, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш орқали ўқув сифатини ошириш масалаларига кенг эътибор қаратиляпти. Давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони ва самардорлигини ошириш ҳисобига олий таълимга қамров даражасини 2030 йилга қадар эллик фоиздан ошириш, олий таълим муассасаларини янада кўпайтириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Камида ўнта олий таълим муассасасини халқро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 талиги рўйхатига, жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та олий таълим муассасаси рўйхатига киритиш борасидаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Рақобатбардош миллий кадрлар тайёрлайдиган олий таълим тизими ислохотлари доимийлик ва изчиллик талаб этадиган жараёндир. Зеро, тобора глобаллашаётган дунёда сифатли кадрлар тайёрлаш масаласи ҳар бир давлатнинг келажagini белгилаб берувчи асосий омил экани ўз-ўзидан аён.

Президентимиз яқинда ўтказилган видеоселектор йиғилишида яна бир бор олий ўқув юртилари зиммасидаги масъулият ҳақида тўхтади. Давлатимиз раҳбари энди бу борада му்தақо янги тизим яратилишини қайд этди. Ҳар бир олий ўқув юрти ён-атрофдаги камида беш-ўн тадан маҳалла учун "маънавият маркази" ва "маданият ўчоғи" бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Олий ўқув юртиларига ёндош маҳаллалардаги уюшмаган ёшларни хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги, спорт, маданият ва китобхонлик тўғрисидаги жаблб этиш, уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришга қўмаклашиш вазифаси топширилди. Шунингдек, олий таълим муассасалари ўзларига бириктирилган маҳалладаги "Ёшлар дафтари" дагилар учун олий ўқув юртиларига кириш бўйича бепул тайёрлов курсларини ташкил этади.

Дарҳақиқат, мазкур тизим орқали юртимиздаги 135 та олий таълим муассасаси ўртача минг нафардан ёшни қамраб олганда ҳам камида юз минг ёшнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида қўмак бўлади. Бу жуда катта кўрсаткич, албатта.

Бир сўз билан айтганда, бугунги глобаллашув ва давлатлараро рақобат тобора кучайиб, интернет ва инновацион технологиялар ҳар соҳага чуқур кириб бораётган, дунёда аёнанавий жамиятдан ахборотлашган жамият сари ҳаракатлар кечаётган даврда мамлакатимизда ҳар бир мутахассисни муस्ताкил фикрлайдиган, жамиятда фаоллик кўрсатадиган, қийинчиликларни кўрмасдан енгиб ўта оладиган, рақобатбардош, ўз ватанига содиқ шахс сифатида камолга етказиш олий таълим соҳасининг энг асосий, устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг дастлабки ижобий натижалари ҳозирданқо кўзга ташлана бошлагани эса ҳаммамизни мамнун этади.

ИХТИРО



Ўзбекистон Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти олимлари сублимацион қуриштиш қурилмасини ишлаб чиқди.

# СУБЛИМАЦИОН ҚУРИШТИШ ҚУРИЛМАСИ

## мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни узоқ вақт сақлаш учун аини муддаодир

Бу қандай қурилма? Ундан қайси соҳаларда фойдаланиш мумкин? Айтиш жоизки, микробли биомассаларни узоқ вақт сақлаш осон иш эмас. Суяқлик қўринишида сақлаш бу массадаги жараёнларни тўхтатмайди, лекин муайян муддатда унда катта ўзгаришлар юз беради. Бунинг оқибатида биомасса ўз фойдали хусусиятларини йўқотишидан ташқари, қўланса хид ва могорлаш юзага келиши мумкин. Мазкур жараённинг олдини олиш эса, биомассани қуруқ ҳолда сақлаш ҳамда ташқида жуда қўл келади.

Анъанавий термал қуриштиш усуллари биомассани қуриштишда қўланган натижани бермайди, чунки қуриштиш жараёнида фойдали микроблар ҳалок бўлади.

Сублимация усули термал қуриштиш усулларидан фаркли равишда биомасса таркибидеги сувни тўғридан-тўғри буғлатиш имконини беради. Ушбу жараённи вакуум шароитида амалга ошириш биомассани паст ҳароратларда тўлиқ қуриштиш имконини беради ва унинг таркибидеги фойдали микроорганизмларни тўлиқроқ сақлаб қолгани таъминлайди.

Анча вақтдан буён Фанлар академияси Микробиология институтининг илмий иланишлари учун микроб биомассаларини стерил шароитда қуриштиш имконини берувчи қурилмага эҳтиёж бор эди. Шу боис, У. Арифов номидеги Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ўз ҳамкасблари учун сублимацион қуриштиш лойиҳасини ишлаб чиқиб, тайёр қурилма қўринишида яратил ташқиқини берди. 2019 йил ноябрда сублимацион қуриштиш қурилмасини ишлаб чиқиш мақсадида Микробиология институти билан хўжалик шартномаси тузилди.

Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида вакуумда содир бўлувчи жараёнларни ўрганиш, уларни бошқариш бўйича катта тажриба тўпланган бўлиб, институт олимлари қуриштиладиган биомасса хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, янги қурилма конструкциясини ишлаб чиқди ҳамда уни ишлаб чиқаришга кириштиди.

— Мазкур қурилма мамлакатимиз илм-фани учун янгилик бўлди, дейиш учун асослар етарли, — дейди Ион-плазма ва лазер технологиялари институти кичик илмий ходими Темурул Дурдалиев. — Сабаби, сублимацион усулнинг анъанавий усуллардан фарқи шундаки, қуриштиш даражаси 98 фоизгача етади, юқори ҳарорат ишлатилмаслиги сабабли нафақат микробли биомассаларда, балки мева-сабзавот, полиз ва бошқа маҳсулотлар таркибиде ҳам барча фойдали моддалар, витаминлар сақланиб қолади. Вакуум сублимацион қуриштиш технологияси озик-овқат маҳсулотларини, жумладан, мева-сабзавотларни, шунингдек, микробиологик ва биомедиқал препаратларни (жонли ва фаоллаштирилмаган вакциналар, плазма, диагностика препаратлар, витаминлар ва бошқаларни) узоқ вақт сақлаш учун аини муддаодир.

Яна бир гап. Мазкур қурилма энергия тежамкорлиги, тўлиқ тозалаш ва ювиш осон бўлган ички камера, тушунарли бошқарув тизими, ўзига хос дизайни ва импорт муқобилларига нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради.

Қурилма УЗРФА Микробиология институтига топширилган бўлиб, аини пайтда ундан кичик серияда биомассалар тайёрлаш учун фойдаланилмоқда.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

МУҲОҒАЗА

# ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ атроф-муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондини асраш демакдир



**Маъруфжон МУСАЕВА,**  
Тошкент давлат техника университети,  
ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси  
мудир, техника фанлари номзоди,  
профессор

Ҳеч бир sanoat корхонаси йўқки, келиб чиқиши, қайси тармоққа мансублиги, қандай хомашё ишлатиши, қайси ҳудудда жойлашганидан қатъи назар, атроф-муҳитга муайян даражада техноген хавф туздирмаса.

Улар фаолияти оқибатида табиатда антропоген ўзгаришлар кўпайиб боради ва ер юзиде глобал экологик фалокатлар ортади. Ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндилари таъсирида сўнги вақтларда иқлим ўзгариши билан боғлиқ турли экологик ўзгаришлар юзага келаятгани бунинг ёркин далилидир.

Қолаверса, корхоналарда ишчи-ҳодимларнинг меҳнат муҳофазаси таъминланмагани, sanoat хавфсизлиги билан боғлиқ билимлар етарли эмаслиги ёки иш пайтидаги эътиборсизлик натижасида ҳам авариялар содир бўлиши кузатилади. Натижада атроф-муҳитга кўплаб

зарарли моддалар ташланади, ишчиларнинг шикастланиши, оғир тан жароҳати олиши ва ўлим билан боғлиқ нохуш ҳолатлар содир бўлади.

Шу боис, олий ва ўрта махсус таълим масканларида мутахассисларни ўқитишда "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" фанининг аҳамияти ва ўрни бекиёсдир. Зеро, бу фанини ўқиган бўлажак мутахассислар эҳтимолий хавфнинг олдини олиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларда тезкор қарорлар қабул қилиш каби хусусиятларга эга бўлади.

Афсуски, бугун Ўзбекистонда бу фанга ажратилган дарс соатлари кам ва талабаларнинг



соҳани тўлиқ эгаллаши учун етарли эмас. Ҳолбуки, бугун жадал ривожланиш йўлига ўтган мамлакатимизда sanoat хавфсизлигини таъминлаш, хавфсиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали экологик муаммоларни бартараф этиш долзарб масалалардан бири бўлиб бормоқда.

Замон ўзгаришти, техника тараққийи илгарилаб, sanoat корхоналари сони кўпайиб бормоқда, янги, ҳар томонлама мукамал технологиялар кириб келмоқда. Бундай шароитда замонавий sanoat корхоналари ҳам илм-фан ривожига ўз ҳиссасини қўшиши керак. Хусусан, улар ўзларидаги замонавий технологияли

ишлаб чиқариш участкаларида sanoat хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича чуқур билимларга эга мутахассислар ишлашини хоҳласа, албатта, шу замонавий технологияни ўзида акс эттирган лабораториялар, ўлчов асбоблари, керакли техник ҳужжатлар билан корхона профилига тааллуқли бўлган олий ўқув юртиларининг тегишли меҳнат муҳофазаси, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраларини бегараз таъминлаб беришлари мақсадга мувофиқ. Шунда ўқиш давомида замонавий технологияни, замонавий ўлчов асбобларини қўриб, билимни мустаҳкамлаган талаба ишга борганида ўзини сувсиз қолган балиқдек ҳис қилмайди. Балки ўз билиминини намоен этади ва ишлаб чиқариш корхонасига катта фойда келтиради.

"Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" фани ишлаб чиқаришда, турмушимизда жуда зарур билимлар беради. Шунинг учун бу фани ривожлантириш, дарс сонтларини керакли даражага етказиш, кафедраларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, sanoat корхоналаридаги sanoat хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни магистрлар, докторантларнинг илмий мавзуларига боғлаш, уларни бажариш учун лойиҳа грантларига қўмаклашиш ишларини йўлга қўйиш лозимдир.

Жамият тараққийининг ҳозирги босқичида инсон хавфсизлиги, соғлигини таъминлаш тобора

мураккаблашиб бормоқда. Чунки биз турли хавф-хатарларга тўла замонада яшамокдамиз.

Содир бўлган фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқиш сабаблари тахлил уларнинг 80 фоизга яқини инсон фаолияти билан боғлиқ эканини кўрсатади. Қўрбон бўлганларнинг 40 фоиздан ортиги табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар шароитига тўғри баҳо бера олмаслиги, айниқса, мазкур шароитда тўғри ҳаракатланиш йўлларини топа олмаслиги оқибатида нохуш ҳолатлар юзага келади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, жабрланганлар сонини камайтиришда аҳолининг фавқулодда вазиятлар шароитидаги хавфсизлик маданиятини ошириш, хавфсизликни самарали тарғибот ва ташвиқот қилиш, ўргатиш муҳим омилдир. Бунда эса, шу соҳадаги малакали ва билимли мутахассисларнинг ўрни бекиёс. Фикримизча, бундай тайёргарлик доимий, мунтазам, узлуқсиз тарзда оилада, маҳаллада, мактабда таълим муассасаларида ҳамда умумий ўрта ва олий таълим муассасаларида "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" фанини ривожлантириш орқали амалга оширилмоғи лозим.

Мазкур таълим йўналиши хусусиятига мос бўлган амалий ва лаборатория дарсларининг бир қисмини кафедраларнинг корхона ва ташкилотлардаги филиалларида ўтказиш бўйича тавсиялар тайёрлаш, малакавий амалиётларни республика, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги фавқулодда вазиятлар бошқармалари ва бўлимларида, санитария-эпидемиология марказларида, қутқарув хизматларида ва ишлаб чиқариш корхоналарининг sanoat хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўлимларида ўтишлари бўйича тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш зарур.

МУНОСАБАТ

ЭЛ-ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ КАМОЛОТ БИЛАН БОҒЛИҚ



Акмал НУР, Ўзбекистон Бадий академияси раиси

Лойиҳалардан бири — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида бунёд этиладиган замонавий кутубхонадир. Атрофида яшил ҳудуд барпо этиладиган ушбу кутубхона 3 қаватдан иборат бўлиб, унда санъат ва ахборот технологиялари, тарих, филология, диний ва ижтимоий фанларга оид асарлар жамланади. Энг муҳими, ушбу кутубхона адабиёт, илм-фан ва санъатнинг турли йўналишларига оид босма ва электрон нашрлар, электрон ҳужжатлар, жами 1,5 миллиондан ортиқ китоблар фондиди қамраб олади.

Мамлакатимизда ёш авлодни маънавий баркамол, турли ёт иллатларга қарши мурасасиз этиб тарбиялаш давлат эътиборидаги муҳим масалага айланди. Кунги кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев маданият ва маърифат соҳаларига оид лойиҳалар тақдимоти билан танишар экан, эл-юрт тараққиёти, аввало, унинг маънавий-маърифий камолоти билан боғлиқ эканини таъкидлади.

2020 йил 2 декабрдаги қарорига мувофиқ, жорий йилда Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллуднинг 85 йиллиги нишонланади. Ушбу сана муносабати билан Тошкент шаҳрида санъаткор ҳайкалини ўрнатиш белгиланган. Тақдимотда Бадий академия томонидан танлаб олинган Ботир Зокиров ҳайкали эскизлари қўздан кечирилди. Ҳайкаллар ўрнатиладиган хиббонни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Бу саъй-ҳаракатлар замирида келажакимиз эгалари бўлган ёшларни маънавий баркамол ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш каби муҳим мақсад бор. Ўғил-қизларимизни эзгу ва юксак мақсадларга сафарбар этиш, жамиятда ўз билими, касб-кори билан муносиб ўрин топишни таъминлашдек аниқ мақсадлар қўзланган ташаббусларнинг илгари сурилиши барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари, Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этади, янги лойиҳаларга, режаларга туртки беради.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда деярли барча мактабларимиз пойтахтимиздаги таълим масканларидан қолишмайдиган даражада тўлиқ реконструкция қилинди ва моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори юртимизда болалар санъатини ривожлантириш, миллий тасвирий санъатга кириб келаётган ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий ва амалий санъатнинг юксак намуналарини ўрганиш, улардан баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратишда дастурламал бўлаётир.

Бугунги кунда айнан шундай ғамхўрликлар шарофати билан ёш ўғил-қизларимиз турли давлатларда ўтказилаётган нуфузли халқро танловлар, фестивалларда ғолиб чиқиб, Ўзбекистон номини дунёга танитмоқда.

Кейинги пайтларда "Ёшлар ҳафталиги" сифатида танилган, юртимиз бўйлаб ўтказилаётган аънавий Тасвирий ва амалий санъат фестивалида нафақат Бадий академия ёки Маданият вазирлиги тасарруфидоги ўқув муассасалари, балки бошқа умумтаълим мактабларида таълим олаётган истеъодли ўқувчи ёшларнинг ҳам ўз ижодий ишлари билан иштирок этишига катта эътибор қаратилмоқда.

Бу, ўз навбатида, биринчидан, ёшлар қамровини кенгайтираётган бўлса, иккинчидан, улар орасида тасвирий ва амалий санъатга қизиқишни кучайтиришда ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Эндиликда йил давомида нафақат тизимдаги ихтисослаштирилган санъат мактаблари, балки умумтаълим мактабларида ҳам ёшларнинг санъатга қизиқишини ошириш борасида тарғибот ишларини замон руҳига мос тарзда йўлга қўйиш, умрбоқий маънавий меросимизнинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга янада самарали, таъсирчан тарзда етказишга оид ҳамкорликдаги лойиҳалар қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун таниқли мўйқалам усталари, устоз-мураббийлар иштирокида ёш истеъодларнинг кўча курғазмаларини ўтказиш, адабиёт ва санъат ҳафталиклари, китоб ярмаркалари ташкил этиш аниқ муддаодир. Айни пайтда бошқа ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда яна кўпроқ курғазма, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, ёшларнинг санъатга қизиқишини ошириш олдимиздаги устувор вазифалардан бўлиб қолавереди.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТГА, ИЖОДКОРЛАРГА ЮКСАК ЭЪТИРОМ ИФОДАСИ



Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

Кунги кеча Президентимиз "Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунни имзолади. Бу мамлакатимизда сўнгги йилларда маънавий-маърифий, маданий соҳада амалга оширилаётган ишхотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Айтиш кераки, юртимизда эзгулик ва инсонларварлик тамойилга асосланган "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умумийлик ҳаракатга айлантиришга йўналтирил-

ган кенг қўламли ислохотлар халқимиз қалбида бугунги кунга шукроналик, эртанги ёруғ келажакка умид ва ишонч туйғуларини тобора кучайтирмоқда. Бу йўналишдаги ислохотлар жараёнида маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турларини ривожлантириш, соҳа намоёндалари фаолиятини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилда қабул қилинган "Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида"ги қонун ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган қатор фармон ва қарорлар соҳани янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қонун билан 15 апрель — Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунини сифатида белгиланди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: маданият ва санъат ходимлари учун нега айнан 15 апрель санаси танлаб олинди? Тарихга назар ташласак, мазкур сананинг нишонланиши 1935 йил 15 апрелда Вашингтонда 21 та давлат раҳбарлари томонидан "Халқро бадий ва илмий муассасалар ва тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги халқро шартноманинг имзоланиши билан боғлиқлигини кўра-

миз. Ушбу халқро шартнома унинг муаллифи шарафига "Рерих пакти" деб номланган. Уша йили Нью-Йоркда расмий равиш — тинчлик байроғига бағишланган байрам ҳам бўлиб ўтган. "Рерих пакти" маданий бойликларнинг ҳимояси ҳамда уларга ҳурмат келтириш бўйича умумий тамойилларни ўз ичига олади. Унга кўра, ҳатто ҳарбий зиддиятлар вақтида ҳам маданий мерос ҳимоясининг заифлашувига йўл қўйилмайди, яъни уларнинг ҳимояси ҳарбий зарурат тўғрисида аҳамиятини йўқотмайди. Ушбу ҳужжат тарихий ва маданий бойликларнинг ҳимояси бўйича қабул қилинган ЮНЕСКОнинг кўп қабатли ва тасвирномалари, шунингдек, 1954 йилда қабул қилинган

Гаага конвенцияси учун ҳам асос қилиб олинган.

2008 йилда эса Россия, Италия, Испания, Аргентина, Мексика, Куба, Латвия ва Литвадаги жамоат ташкилотлари ташаббуси билан 15 апрелни Халқро маданият кунини сифатида қабул қилиш учун саъй-ҳаракат бошланган.

Эндиликда ҳар йили 15 апрель кунини мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунини кенг нишонланади. Сана муносабати билан юртимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, ўзбек миллий маданияти ва санъати нуфузини жаҳон миқёсида ошириш, ёш истеъод эгаларининг қобилияти, салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида Фидокорона меҳнат қилган ва юксак натижаларга эришган юртдошларимиз "Маданият ва санъат фидокори" кўкрак нишонини билан тақдирланади.

Бу каби чора-тадбирлар ёш авлод онгиди миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, маданий-маърифий соҳа ривожланиб, миллий маданий аънаваларни асраш, халқ ижодиётини тарғиб қилиш ишлари жонланади. Соҳада маҳоратли ижрокчи ва ижодкорлар, профессионал кадрларни тайёрлаш тизими такомиллашади. Етакчи халқро ташкилотлар, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик кенгайтирилади, мустаҳкамланади. Миллий санъат аънаваларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳамда уларнинг жаҳон саҳнасида эътироф этилиши учун имкониятлар эшиги очилади.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда маданият ва санъат ходимлари кунини белгиланиши маданий-маърифий соҳаларда кўтаринкилик билан бошланган ислохотларнинг янада самарали бўлишига ўзига хос замин бўлди. Зеро, бу қонун санъат ва маданиятни юксак қадрлаган халқимизнинг ўзлиги, умуминсоний қадриятларга бўлган юксак эътиром, санъат ва маданиятга ошуфталиги ифодасидир.

ТЕАТР ВА ҲАЁТ

ТАРБИЯНИНГ ТАЪСИРЧАН ВОСИТАСИ

Бугун катта авлод вакиллари ёшларнинг виртуал олам атрофида ўралашиб қолиб, китоб ўқимаётганига театрға келмай қўйганидан кўп шикоят қилади. Шикоят ўринли аслида. Аммо чуқурроқ ўйлаб қарасак, шу ҳолатларға сабабчи бўлаётган биз — катталар эмасми? Ёшларни тўғри йўналтириш, ҳаётнинг ёзилмаган қоидаларидан уларни воқиф қилиб бориш ўзимизнинг вазифамиз-ку? Бугун фарзанд тарбияси билан боғлиқ шу каби вазифаларимизға ўзимиз қандай ёндашяпмиз? Театрнинг инсон ҳаётдаги ўрни, унинг тарбиявий таъсирини фарзандларимизға бошқалардан аввал ўзимиз тарғиб қилишимиз керак эмасми?

Кун тартибимиздан ло-ақал бир ойда бир бор театрға жой берсак, дилбандларимиз ҳам кейинчалик ўз фарзандларини ана шу тарбия масканига етаклаб боришига одатланадилар. Зеро, шиддат билан ривожланаётган мамлакатимизда бугун маънавиятға ҳар қачонгидан кучли эътибор берилмоқда. Айни пайтда юртимиздаги 37 та давлат театрида 42 та тўғарак ташкил этилгани ҳам бунинг амалдаги қўрғинларидан бири, дейиш мумкин. Ушбу тўғаракларға мингта яқин ўқувчи жалб этилган. Яқин йилларда бу кўрсаткич сезиларли даражада ўсшиға шубҳа йўқ.

Маданият вазирлигининг Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Муқаддас Аҳмаджоновнинг таъкидлашича, эксперимент тарихида танлаб олинган Чилонзор туманидаги 30 дан зиёд мактабда ёшларни театрға жалб этиш борасидаги ишлар тизимли йўлга қўйилган. Русийзабон мактабларға Оперетта театридан, ўзбек мактабларига Мўқимий театридан бир нафардан актёр, ижодкорлар бириктирилган. Бундан ташқари, ҳар бири ўқув юртида театр студияси мавжуд. Актёрликка иқтидори бор, роль ижро эта оладиган талабалар

турли тадбирларда, байрамларда яхши асарларни саҳналаштираётгани қувонарли. Ҳаваскор актёрлар ҳар йили ўтказиладиган театр фестивалларида ҳам ўз иқтидорларини намойиш этиб келмоқда.

Аммо улар мутахассис эмас. Бундай ёшларға профессионал режиссёрларнинг кўмаги керак. Шу боис, ҳар бир олий ўқув юртиға театрлардан тажрибали, ёш режиссёрлар бириктирилган. Албатта, улар театрдаги ишларини ташлаб қўйиб, мактаб ёки олийгоҳ билан шўғулланмайди. Истеъодли болалар билан ишлаш тегишли режа асосида, муайян вақтларда амалга оширилади. Масалан, олийгоҳлардаги театр жамоасига тўғри йўналиш берилиб, саҳнабоб, яхши асарлар тавсия қилиниб, уни қандай саҳналаштириш бўйича ҳам йўл-йўриқ кўрсатилади. Ёшларнинг ўзи саҳналаштириш жараёнини олиб борадилар. Бу орқали уларда мустақил ҳолда ва ўз устида ишлаш кўникмаси ҳам шаклланиб боради.

Саҳна асари намойиш этилишига тайёр бўлганида бириктирилган профессионал режиссёр эътиборига ҳавола этилади. Талабаларнинг муваффақияти билан биргаликда камчиликлари ҳам таҳлил қилиниб, чиқишлар янада пишитилгач, саҳна асарини томошабинларға бемалол кўрсатиш мумкин бўлади.

Ўрни келганида айтиш жоизки, тўғараклар фаолият жиҳатидан энг етакчилари сифатида Қорақалпоқ кўғирчоқ театри ҳамда Сурхондарё вилоят театрини алоҳида тилға олиш мумкин. Пойтахтда эса, Мўқимий номидаги мусиқали драма театри ва Ўзбек Миллий академик драма театрида олиб борилаётган ишлар эътиборға молик.

Бу икки театр хусусида гап борганида, юзлаб, минглаб ёшларға устозлик қилган, ўзбек театрининг икки забардаст вакили — Фатхулла Маъсудов ва

Мирза Азизов номини тилға олмай бўлмайди. Зеро, ҳар иккиси ҳам биринчи раҳбар бўлишиға қарамай, олис ҳудудларға бориб, иқтидорли ёшлар, бўлажак актёрларни кашф этишға астойдил бел боғлаган эди. Хусусан, Ф.Маъсудовнинг Шайхонтоҳур туманидаги иккита умумтаълим мактабидида театр жамоаси ташкил этиб, ўқувчилар билан шахсан ўзи ишлагани, Андижонда ҳам шундай эзгу ишларға хайрихоҳ бўлгани таҳсинға лойиқ. Мирза Азизов эса, ҳаётининг сўнгги дамида ҳам Қорақўлда янги бир лойиҳани муваффақиятли амалга оширишға улгургани билан ўша ёшлар қалбидида абадий яшайди. Энг муҳими, театрдан бутунлай йироқ бўлган ёшларни бирлаштира олди у. Бугун ҳудудда санъаткорлик театриға пойдевор қўйилди. Пойтахтнинг нуфузли театри саҳнасида илк бор роль ижро этган ана шу ёшлардан бири, "Ҳар нарсанинг жавоби бор" спектакли бош қаҳрамони Замон (Ўлмас Аллаев) ўз миннатдорлигини мана бундай ихбор этган эди:

— Аслида консерваторияни тамомлаганман. Биринчи марта ўзимни синаб кўрдим. Устозим Мирза Азизов коррупция иллоти кескин қораланган "Ҳар нарсанинг жавоби бор" спектакли учун уюшмаган, театрдан йироқ ёшлардан жамоа тузаётган экан. Менга битта қўшиқ айттириб кўришди. Шунда устоз: "Бу боланинг кўзи ёниб турибди, нимадир чиқара оламан", деди. Хурсанд бўлиб кетдим. Устозим билан анча меҳнат қилдик. Пойтахт саҳнасидаги муваффақиятим, томошабинлар олқишларидан ҳам ҳаяжон, ҳам ғурурга тўлдим. Бу қўшиқчилик билан актёрликни ҳамоҳанг олиб боришимға туртки бўлди, назаримда. Чунки энди мен Замон образига ўхшаган ролларни тақлиф этишса, бажонидил ижро этишға розиман.



— Бирон марта ҳам театрға қадам босмаган ёшлар саҳна сеҳрини ҳис қила олмайди, — дейди Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг 3-босқич талабаси Шаҳром Атоев. — Спектаклни охириға қадар томоша қилмаган ёшлар ҳам асарнинг кульминацион нуқтаси — ҳулосадан беҳабар кетаверадилар. Шунинг учун ҳам ҳар бири олий ўқув юрти белгиланган режаға мувофиқ, талабаларни бу тарбия масканига олиб келаятилар. Бу вазифа билан алоҳида бириктирилган ўқувчилар шўғулланяпти. Спектаклни охиригача томоша қилган талабаларда эса, яна театрға келиш истаги туғилаётгани аниқ мурдао.

Дарҳақиқат, ёшларни маънавиятсизликда, интернетта асирликда айблайвериш ижобий натижа бермаслигини бугун амалда қўриб турибмиз. Фарзандларимиз мисоли ёш ниҳол. Қай томонға қараб ўсишини истасак, ўша ёққа қараб ўсишади. Шу маънода, уларнинг турли томонға эмас, кўкка бўй чўзишларига эришишимиз керак. Юқорида фикр билдирган Ўлмас Аллаев, Шохруҳ Атоевнинг қўллаб-қувватлаши сўнгги йиллардаги тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирида шаклланиб борапти.

Қувонарлиси, бугун театрлар ёш драматургларни кашф этишға ҳам алоҳида эътибор қарата бошлади.

Зеро, театрнинг нуфузини ошириш, сара асарларни саҳналаштиришда кучли, профессионал драматургия асосий ўрин тутайди. Бизға қалами ўткир, чинакам драматурглар керак. Бу эса, театрларнинг ёшлар билан қай даражада иш олиб боришиға боғлиқ бўлади. Йўлаймики, бугун ҳаёт бўлган ва юқорида номлари тилға олинган театрнинг дарғалари бошлаб берган ишларни ёшларимиз янада гўзал ҳолатда давом эттирадилар.

Ишонимизки, давлатимиз раҳбарининг алоҳида ташаббуслари, қолаверса, биз, катталарнинг тарғиботларимиз самараси ўлароқ, эртанги эгалари театр, музейларнинг энг қўтлуғ даргоҳ, ҳақиқий ҳаёт мактаби эканини ҳис қилиб улғаядилар.

Муножат МҲМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Footer containing contact information for 'Yangi Uzbekiston' newspaper, including address, phone numbers, and website details.